



АКТУАР МОЛИЯ ВА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Vol. 4 Issue 01 | pp. 261-269 | ISSN: 2181-1865
Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САНОАТИ АСОСИДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ



Кобилова Насиба Хуррамовна
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети мустақил изланувчиси
E-mail: gobilovanasiba@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада ишлаб чиқариш саноати асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича АҚШ, Германия ва Нидерландия каби хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Шунингдек, уларнинг ижобий жиҳатлари таҳлил қилинган ҳолда Ўзбекистон шароитида улардан самарали фойдаланиш йўллари таклиф этилган. Озиқ-овқат маҳсулотлари саноати самарадорлигини ошириш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат маҳсулотлари саноати, озиқ-овқат хавфсизлиги, ишлаб чиқариш саноати, самарадорлик, хориж тажрибаси.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПИЩЕВОЙ БЕЗОПАСНОСТИ НА ОСНОВЕ ОБРАБАТЫВАЮЩЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ И СПОСОБЫ ЕГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Кобилова Насиба Хуррамовна

Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В данной статье рассматривается опыт зарубежных стран, таких как США, Германия и Нидерланды, в обеспечении безопасности пищевых продуктов на базе обрабатывающей промышленности и раскрываются их специфические особенности. Также анализируются их положительные стороны и предлагаются пути эффективного использования в условиях Узбекистана. Разработаны предложения по обеспечению пищевой безопасности за счет повышения эффективности пищевой промышленности.

Калит сўзлар: пищевая промышленность, пищевая безопасность, обрабатывающая промышленность, эффективность, зарубежный опыт.

FOREIGN EXPERIENCE IN ENSURING FOOD SAFETY ON THE BASIS OF MANUFACTURING INDUSTRY AND WAYS OF USING THEM IN UZBEKISTAN

Kobilova Nasiba Xurramovna

Tashkent State University of Economics

Annotation. This article examines the experiences of foreign countries such as the USA, Germany and the Netherlands in ensuring food safety on the basis of the

manufacturing industry and reveals their specific features. Also, their positive aspects are analyzed and ways of their effective use in the conditions of Uzbekistan are proposed. Proposals have been developed to ensure food safety by increasing the efficiency of the food industry.

Key words: food industry, food safety, manufacturing industry, efficiency, foreign experience.

1. Кириш

Жаҳонда озиқ-овқат ва истеъмол тенденциялари ўртасида номутоносиб-лик ошиб бормоқда. Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши (глобал истеъмол ҳажми 2,5 млрд. т. [16]) ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш даражасининг пастлиги, инфляциянинг озиқ-овқат харажатларига таъсири, иқлим ўзгаришлари ва ишсизлик муаммолари туфайли ҳозирда дунёда 690-780 миллион инсонлар очликка дуч келмоқда [17]. Ушбу тўйиб овқатланмайдиган одамлар сонининг 55 фоизи Осиё, 38 фоизи Африка, 6 фоизи Лотин Америкаси ва Кариб денгизи ва қолган қисми Шимолий Америка ва Европа ҳамда Океания мамлакатлари ҳиссасига тўғри келади [18].

Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат хавфсизлиги долзарб масалалардан бири ҳисобланади. 2023 йилда республика бўйича саноат асосида 65174,7 млрд. сўм озиқ-овқат маҳсулотлари ва 17968,3 млрд. сўм ичимликлар ишлаб чиқарилган ҳамда 404648,6 млрд. сўм қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган бўлсада, шу даврда 1962,4 млрд. сўм озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиб, 4141,8 млрд. сўм озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт қилинган [19]. Мазкур кўрсаткичлар мамлакатимизда нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва мустақиллигига эришиш, балки, озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилувчи йирик экспортёр давлатга айланиш имконияти мавжудлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун эса мавжуд озиқ-овқат ресурсларидан самарали фойдаланиш, яъни саноат асосида қайта ишлашни жадаллаштириш лозим. Буларнинг барчаси тадқиқот мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

2. Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маълумки, ҳар бир давлат учун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мураккаб, кўп қиррали ва устувор стратегик вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, аҳолини озиқ-овқат билан ишончли таъминламасдан туриб, миллий хавфсизликни таъминлаш мумкин эмас.

Иқтисодчи К.Тиреуов ва бошқаларнинг фикрича, барча асосий турдаги ресурслар (ер, сув, энергия, хом ашё ва ишчи кучи) бўйича ўзини-ўзи тўлиқ таъминлайдиган бир қатор мамлакатлар учун умумий муаммо бу – аҳолини ўзлари ишлаб чиқарадиган тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлай олмаслиқдир. Шунинг учун ҳам кўп давлатларда озиқ-овқат маҳсулотларининг бирор тури бўйича тақчиллик кузатилади ва улар ушбу эҳтиёжни импорт ҳисобидан қоплашига тўғри келади [1].

Халқаро тажрибаларга кўра, мазкур муаммони ҳал қилишнинг иккита йўли мавжуд. Биринчи, қишлоқ хўжалиги меҳнатининг халқаро тақсимотида энг фаол иштирок этиш, бу глобал қишлоқ озиқ-овқат маҳсулотлари бозорига йўналтирилганлик ва унга боғлиқликни англатади. Иккинчи, оқилона қишлоқ

хўжалиги протекционизми концепциясини амалга ошириш ҳисобланади. Озиқ-овқат хавфсизлигини ишончли таъминлашнинг у ёки бу усулини танлаш кўп жиҳатдан мамлакатнинг иқтисодий ўзини ўзи таъминлаш даражасига, унинг дунёдаги реал ролига, миллий агроозиқ-овқат сиёсатини амалга оширишнинг муваффақиятига ҳамда пировардида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг илғор стратегиясини қабул қилишига боғлиқ бўлади [2].

Дунёда энг кенг тарқалган амалиёт бу, бир томондан, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва уларни қайта ишлаш саноат маҳсулотларининг эркин савдоси, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалиги протекционизмининг алоҳида элементларидан фойдаланиш ўртасида оқилона муносабатни ўрнатишдир [3].

Фикримизча, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакатда қишлоқ хўжалигини миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми сифатида ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигининг устувор мақомини таъминлаш, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича истиқболли стратегияларни танлаш ва амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ислохотларга боғлиқдир.

АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) [20]нинг ёндошувига кўра, озиқ-овқат хавфсизлиги – ҳар доим самарали ва соғлом ҳаёт учун етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларидан жисмоний ва иқтисодий фойдаланиш имкониятининг мавжудлигидир. Бутунги кунда ана шу имкониятга бутун дунё бўйлаб 800 миллиондан ортиқ одамлар эга эмас (оч қолмоқда).

Шу боисдан мамлакатлар ўзларининг ички имкониятлари даражасида кўп миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва уни ишлаб чиқариш саноати асосида қайта ишлашга ҳаракат қилишмоқда [15]. Албатта, бунда мамлакатларнинг имкониятлари турлича ва шу боисдан ишлаб чиқариш саноати асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тажрибалари бир-биридан фарқ қилади.

3. Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотни амалга оширишда расмий статистик маълумотлар, статистик кузатиш, таққослама таҳлил, синтез, мантиқий фикрлаш, солиштирма таҳлил каби усуллардан кенг фойдаланилган. Шунингдек, хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар хусусан Жаҳон банки ва ФАОнинг расмий маълумотлар базаси ва мустақил халқаро интернет сайтлари маълумотларидан фойдаланилган.

4. Таҳлил ва натижалар

АҚШ тажрибаси. АҚШ, Канада, Австралия каби мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш, эксплуатация қилиш, бошқариш ва хизматларни ахборотлаштириш, бу соҳага рақамли технологияларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари айланмаси моделини ўзгартиришга, шунингдек озиқ-овқат саноати парклари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг электрон тижорати, қишлоқ хўжалигида рақамли технологик ютуқларни кенг қўламда самарали қўллаш орқали озиқ-овқат ишлаб чиқариш занжирининг иқтисодий ривожланишига эришилмоқда [4].

Хусусан, “FoodIndustry.com” интернет нашрининг маълум қилишича, озиқ-овқат саноати АҚШ иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб, унинг қиймати 1,5 триллион доллардан ошади [21]. Шунингдек, АҚШ Ички хавфсизлик департаменти

(USDHS) [22]нинг маълумотларига кўра, озиқ-овқат саноати Қўшма Штатлар иқтисодиётининг бешдан бир қисмини ташкил қилади. У 2 миллиондан ортиқ фермер хўжаликлари, 900 мингдан ортиқ ресторан ва 200 мингдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сақлаш корхоналарини ўз ичига олади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, АҚШ озиқ-овқат саноатида юқори технологияли саноат асосида ишлаб чиқариладиган турли кимёвий воситалар асосида маҳсулотларга юқори даражада ишлов берилади, шунингдек асосий хом ашё базаси бўлган қишлоқ хўжалигида ҳам ГМО уруғлари (одатда маккажўхори, соя, гуруч ёки буғдой) экилади. Бундан ташқари, мазкур экинларни етиштиришда нефтдан олинган азотга асосланган кучли таъсирга эга бўлган ўғитлардан кенг фойдаланилади.

Аҳамиятли жиҳатларидан яна бири шуки, самарадорликни оптималлаштириш учун экин майдонларига бутунлай битта экин (моно-экин) экилади, бу эса махсус техника ва кимёвий моддаларни қўллаш имконини беради ҳамда самарадорликнинг ошишига олиб келади.

Бундан ташқари, EWG (Environmental Working Group) [23] маълумотларига кўра, АҚШда озиқ-овқат занжиридаги корхоналар ва йирик корпоратив фермалар фаолияти давлат томонидан субсидияланади. Мазкур субсидиялар миқдори ўртача 1,9 миллион долларни ташкил қилади.

Ушбу катта миқдорда субсидиялар натижасида қайта ишланган юқори фруктозали тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини асосан маккажўхори сиропи, соя ёғи, гуруч ва буғдой маҳсулотлари ташкил этади. Аммо, саноат асосида қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотлари қайта ишланмаган озиқ-овқатларга қараганда қарийб 60 фоизга арзонроқ ҳисобланади [5]. Чунки, бу озиқ-овқат хавфсизлигининг иккинчи томони яъни, қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсонлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши билан боғлиқ.

АҚШдаги энг йирик савдо платформаси “IndustrySelect” [24] маълумотларига кўра, Қўшма Штатларнинг озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ва ишлаб чиқаришнинг муҳим йўналишлари қуйидагилардир:

- барқарорлик;
- ўсимликка асосланган оқсил;
- технологик ютуқлар;
- демография;
- иқтисодий ўзгаришлар.

Маълумотларга кўра, АҚШ 2022 йилда Германияга истеъмолга мўлжалланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича дунё бўйлаб ўн учинчи ўринни эгаллади. Европа Иттифоқининг ягона бозорини ҳисобга олган ҳолда айтиш мумкинки, бу бозорда АҚШ импорт қилинадиган истеъмолга мўлжалланган маҳсулотларнинг анча катта манбаи ҳисобланади. АҚШ етказиб берувчилари учун асосий рақобатчилар Голландия, Италия, Испания, Полша, Франция, Австрия ва Бельгия каби бошқа Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилари ҳисобланади. Аммо, қуритилган мевалар ва ёнғоқлар учун асосий

рақобатчилар Туркия, Чили, Жанубий Африка ва Канада давлатлари манба ҳисобланади.

Германия тажрибаси. Германиянинг озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш саноати яхши ривожланган ва барча озиқ-овқат таркибий қисмларидан фойдаланиш имкониятига эга.

Эътиборли жиҳати шундаки, Германиядаги озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш саноат корхоналари ингредиент (мураккаб бирикма ёки аралашма)ларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар (маҳаллий импортчилар)дан олишади. Фақат йирик корпорацияларгина ингредиентларни тўғридан-тўғри хорижий етказиб берувчилардан импорт қилади.

euromonitor.com интернет нашри маълумотларига кўра, Германияда қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида чакана савдо 2022 йилда 114,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу 2018 йилга нисбатан 11,2 фоизга ёки 11,5 миллиард АҚШ долларига ўсганлигини кўрсатади. Германия дунёдаги энг йирик қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида 4-ўринни эгаллаб турибди. Прогноз маълумотларга кўра, 2026 йилга келиб, Германияда қадоқланган озиқ-овқат маҳсулотлари бозорида чакана савдо ҳажми 127,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда, бу 2022 йилга нисбатан 10,6 фоизга ёки 12,1 миллиард долларга ўсишни аниқлатади [25].

Германия тажрибасининг яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, мамлакатдаги озиқ-овқат занжирида сўнгги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг йўқотилиши ўрганилганда унинг миқдори сизиларли даражада юқори эканлиги қайт этилган. Шу боисдан ушбу йўқотишнинг миқдорини аниқлашга бўлган қизиқиш даражаси ошиб бормоқда [6]. Дарҳақиқат, озиқ-овқат йўқотилишининг олдини олиш иқтисодий нуқтаи назардан озиқ-овқат хавфсизлигини яхшилашда катта аҳамиятга эга [7].

Бугунги кунда озиқ-овқат йўқотилиши миқдори 126 миллион тоннагача етиши прогноз қилинмоқда [8]. Аҳоли сонининг ўсиши ва урбанизациянинг кучайиши нуқтаи назардан ушбу муаммони ҳал қилиш жуда долзарбдир. Айниқса, сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бориши 2050 йилга бориб озиқ-овқат ишлаб чиқаришни 60 фоиздан 110 фоизгача ошириш заруриятига олиб келиши кутилмоқда [9].

R.Akgerman ва бошқаларнинг фикрича, озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш йўқотишларини камайтириш хом ашёни камроқ қўллашга, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлашни қисқартиришга ва маҳсулот сифатини яхшилашга олиб келиши мумкин [10]. N.Yasin ва бошқаларнинг таъкидлашича, чиқиндиларни қайта ишлаш, масалан, биогаз қурилмалари учун истеъмол қилинмаган озиқ-овқатлардан фойдаланиш, қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитни тозалашнинг энг тежамкор жараёнидир [11].

Нидерландия (Голландия) тажрибаси. Мамлакатда агросаноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш сиёсати тўртта асосий муаммони ҳал қилишга қаратилган [12]:

- барқарор озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кенгайтириш;
- сифатли озиқ-овқатдан фойдаланиш имкониятини яхшилаш;

- бозорлар самарадорлигини ошириш;
- озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда хусусий сектор учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш.

Нидерландия юқоридаги мақсадларга эришишнинг биринчи қадамини қишлоқ хўжалигининг самарадорлигини ошириш учун “билимга асосланган қишлоқ хўжалиги” сиёсатини ишлаб чиқди ва уни самарали ташкил этишдан бошлаган [26].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, Нидерландия дунёдаги энг кучли билимга асосланган иқтисодиёти бўйича бешинчи ўринда туради. Сир эмаски, (Нидерландия) Голландия қишлоқ хўжалиги тармоғи ўзининг инновацион ёндошуви билан бутун дунёга машҳурдир.

Илмий тадқиқотлар ва инновациялар Нидерландия агросаноатини ривожлантирувчи асосий омиллардан биридир. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари натижалари қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, табиий ресурсларни бошқариш ва халқаро савдо билан боғлиқ давлат сиёсатини ишлаб чиқиш, тадбиркорлар, илмий тадқиқотчилар, сиёсатчилар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ривожини бўйича ўзаро яқин ҳамкорлик алоқалари негизда яратилади [13].

Бундан ташқари, Нидерландия янги, функционал ва органик қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва мавжуд маҳсулот турларини модернизация қилиш учун юқори сифатли тадқиқотларга катта миқдорда сармоя киритади [14]. Ушбу тадқиқотларда тузни камайтириш (зўрланиш даражасини пасайтириш), хом ашёнинг мослашувчанлиги, оқсиллардан фойдаланишда инновациялар ва такомиллаштирилган қадоқлаш ҳамда сақлаш технологиясига алоҳида эътибор берилади [27].

Озиқ-овқат муаммосини бартараф этишнинг ана шундай ўзига хос йўналишларидан бири бу – саноатлаштиришдир. Нидерландияда ҳам сўнги ўн йилликларда қишлоқ хўжалигини саноатлаштириш сезиларли даражада ошди. Фермер хўжаликларида кенг қўламли ишлаб чиқариш ва технологиядан интенсив фойдаланиш жадаллашди. Озиқ-овқат саноати корхоналари нафақат самарали, балки, юқори сифат ва экологик стандартларга жавоб бериши ҳамда ўзгарувчан бозор шароитларига мослашувчанлиги ҳам ошиб борди.

Ривожланган мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатадики, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида хусусан, ҳам қишлоқ хўжалиги, ҳам озиқ-овқат саноатида катта миқдорда инвестициялар, юқори даражадаги технологиялар, ҳосилдор уруғларни яратиш, ахборот технологияларини жорий этиш ва малакали кадрлар ёрдамида юқори самарадорликка эришиш мумкин.

Мазкур тажрибалардан келиб чиқиб фикримизча, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлиги ялпи озиқ-овқат маҳсулотлари, аҳолининг реал даромадлари, озиқ-овқатга бўлган талаб, ички бозор сиғими, шу жумладан импорт ва экспорт, макро ва микроиқтисодий барқарорлик даражаси, институционал қўллаб-қувватлаш ҳолати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ҳажмига боғлиқ.

Бундан ташқари, мамлакатда илм-фаннинг ривожланганлик даражаси, илмий-технологик инновацияларнинг яратилиши ва амалиётга қўлланилиши, соҳага йўналтирилаётган ички-ташқи инвестициялар ҳамда уларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти ва экспорти каби омиллар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

5. Хулоса ва таклифлар

Юқорида келтирилган ишлаб чиқариш саноати асосида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича хорижий ривожланган мамлакатлар тажрибаларидан қуйидагиларни Ўзбекистон шароитида қўллаш мақсадга мувофиқдир:

1. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларини эксплуатация қилиш, соҳада бошқарув ва хизматларни ахборотлаштириш, рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, шунингдек озиқ-овқат саноати парк (кластер)лари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг электрон тижоратини ривожлантириш (*АҚШ, Канада, Австралия тажрибалари*). Албатта, бу озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш занжири жараёнларида белгиланган вазифаларни реал вақт режимида амалга ошириш, бошқарув жараёнларидаги транзакцион харажатлари камайтириш ва бошқарув самарадорлигини ошириш, рақамли технологик ютуқларни кенг қўламда самарали қўллаш асосида озиқ-овқат маҳсулотлари электрон тижоратини ташкил этиш соҳани кўп ҳажмда (экспорт қилиш) маҳсулот сотиш орқали қўшимча инвестициялаш имконини яратади, буларнинг барчаси эса озиқ-овқат ишлаб чиқариш занжирининг иқтисодий ривожланишига олиб келади;

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноати корхоналарини субсидиялаш (*АҚШ тажрибаси*). Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш фаолияти жараённинг тўлиқ циклида харажат мавжуд бўлиб, даромад фақат жараён охирида кутилади ва бу ҳам кафолатланмаган. Табиийки, бундай фаолият билан шуғулланишга ҳар қайси тадбиркорлик субъектлари қизиқиш билдиришмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш саноати корхоналари фаолияти эса юқори даражали технологиялар ва унда ишлатиладиган импорт ингредиентларга боғлиқ, албатта, бу жараёнларнинг барқарор ривожланиши учун кўп миқдорда маблағлар таълаб этилади. Айниқса, ривожланаётган мамлакатлар амалиётида кўп кузатилади. Шу боисдан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш занжири тармоқларини самарали субсидиялаш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ;

3. Озиқ-овқат занжирида озиқ-овқат маҳсулотлари (хом ашёси)нинг йўқотилишини минимал даражагача пасайтиришга эришиш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва шу асосида харажатларни камайтириш ҳисобига рентабелликни оширишга эришиш (*Германия тажрибаси*). Маълумки, озиқ-овқат маҳсулотлари хом ашёси асосан қишлоқ хўжалигида етиштирилади. Мамлакатимиз озиқ-овқат занжирининг айнан шу босқичида озиқ-овқат маҳсулотлар (хом ашёси)нинг йўқотилиши юқоридир, айниқса, “пишиқчилик” даврида буни яққол кузатиш мумкин. Шу боис, Германия тажрибаси асосида:

Биринчидан, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатида ишлаб чиқариш йўқотишларини камайтириш, яъни, озиқ-овқат маҳсулотлар (хом ашёси)нинг йўқотилишини пасайтириш;

Иккинчидан, озиқ-овқат ишлаб чиқариш занжирида йўқотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлар (хом ашёси)дан самарали фойдаланиш амалиётини, яъни, биогаз қурилмаларини қуриш орқали қайта тикланадиган энергия ишлаб чиқаришини ривожлантириш ҳамда шу орқали атроф-муҳитни тозалашнинг энг тежамкор жараёнини ташкил этиш.

4. Озиқ-овқат ишлаб чиқариш занжири тармоқларининг самарадорлигини ошириш учун “билимга асосланган иқтисодиёт” сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни самарали ташкил этиш (*Нидерландия тажрибаси*). Ушбу тамойилнинг натижасини Нидерландиянинг дунёдаги энг кучли билимга асосланган иқтисодиёти бўйича бешинчи ўринни эгаллаши қанчалик самарали эканлигини кўрсатади. Шу боисдан иқтисодиёт тармоқлари хусусан, озиқ-овқат саноати ва қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат маҳсулотлари (хом ашёси)ни етиштириш бўйича илмий тадқиқотларни жадаллаштириш ҳамда уларни рағбанлантириш, инвестициялаш, илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш ўртасида самарали интеграцияни ташкил этиш, шунингдек тадқиқотлардан амалиётда оқилона фойдаланиш ҳамда табиий ресурсларни бошқариш ва халқаро савдо билан боғлиқ давлат сиёсатини самарали ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тиреуов К., Мизанбекова С., Мизанбеков И. Продовольственная безопасность как важный фактор социально-экономического развития страны // Аграрная экономика. №3, 2020г. с.63-64
2. Тиреуов, К.М. АПК в условиях глобализации экономики. – Алматы, 2016. – 229 с.
3. Ушачев И.Г. и др. Импортозамещение в АПК России: проблемы и перспективы. – Москва, 2015. – 767 с.
4. Sandu I.S., Nechaev V.I., Voiku I.P. State support for the digital transformation of agriculture in the region: a methodological approach // Economics of agricultural and processing enterprises.- 2019.- No12.- P.66-70.
5. Burfoot A. It's trendy to scorn processed food. Now there's research to back up that attitude. The Washington Post, 2019, June 24: n.p.
6. Katajajuuri J.-M. et al. Food waste in the Finnish food chain // Journal of Cleaner Production. Volume 73, 15 June 2014, Pages 322-329
7. Garrone P. et al. Opening the black box of food waste reduction // Food Policy. Volume 46, June 2014, Pages 129-139
8. Mirabella N. et al. Current options for the valorization of food manufacturing waste: a review // Journal of Cleaner Production Volume 65, 15 February 2014, Pages 28-41
9. Garrone P. et al. Opening the black box of food waste reduction // Food Policy. Volume 46, June 2014, Pages 129-139
10. Akkerman R. et al. Development and application of a decision support tool for reduction of product losses in the food-processing industry // Journal of Cleaner Production. Volume 16, Issue 3, February 2008, Pages 335-342

11. Yasin N.H.M. et al. Food waste and food processing waste for biohydrogen production: a review // Journal of Environmental Management. Volume 130, 30 November 2013, Pages 375-385
12. Акимова Ю.А., Кочеткова С.А. Совершенствование системы государственной поддержки аграрной сферы региона в современных условиях // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 8-1. – С. 168-172.
13. Акимова Ю.А. Развитие сельского хозяйства и агробизнеса в Нидерландах // Журнал «Контентус». 2017. С. 8-9
14. Акимова Ю.А., Подушкина Т.М. Перспективы развития органического сельского хозяйства в России // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 2. – С. 344 – 351.
15. Qosimov A. A. Analysis of state development programs (on the example of Surkhandarya Region) //Theoretical & Applied Science. – 2019. – Т. 11. – С. 115-120.
16. <https://www.statista.com/forecasts/1298375/volume-food-consumption-worldwide>
17. FAO data. https://www.fao.org/3/cc8166en/online/cc8166en.html#chapter-3_1
18. FAO. 2023. Oziq-ovqat xavfsizligi ko'rsatkichlari to'plami. In:FAOSTAT. <https://www.fao.org/faostat/en/#data/FS>
19. <https://www.stat.uz/uz/rasmiy-statistika>
20. <https://www.usaid.gov/agriculture-and-food-security>
21. <https://www.foodindustry.com/articles/how-big-is-the-u-s-food-industry/>
22. "Food and Agriculture Sector," United States Department of Homeland Security, accessed February 1, 2022, <https://www.cisa.gov/food-and-agriculture-sector>.
23. <https://www.ewg.org>
24. <https://www.industryselect.com/blog/key-trends-in-the-us-food-manufacturing-industry>
25. 2022 Country Market Profile: Germany. <https://www.foodexport.org/docs/default-source/country-market-profiles/germany-cmp.pdf>
26. WRR (2010). Less Pretention, More Ambition. – URL:<http://www.wrr.nl/en/actueel/news-item/article/presentatie-wrr-rapport-minderpretentie-meer-ambitie/>
27. Made in Holland – Agrifood. – URL: <https://www.hollandtradeandinvest.com/binaries/hollandtrade/documents/publications/made-in-holland/08/7/made-in-holland-agrifood-for-online-reading/2014-05-agrifooda4-lowres.pdf>

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

